ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МОДЕЛЛАРИ

Карабаев Санжар Абдусаматович,
Тошкент Кимё халқаро университети мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва самарали бошқаришнинг моделлари кўриб чиқилган. Унга кўра, Хитойда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун тўлов механизми турлари таҳлил қилинган. Давлат-хусусий шериклик асосидаги лоийҳаларни амалга ошириш ва бошқариш босқчилари тизимлаштирилган. Тадқиқот таҳлилларини давомида Европа ва Марказий Осиё синтақаси давлатларида давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш тенденциялари тадқиқ этилган. Таҳлил натижалари асосида илмий-назарий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, бошқарув моделлари, мулк ҳуқуқи, операцион даромад, трансфер, BOOST модели, субсидия, эксплуатация, субпудрат тўловлари, давлат активлари, хусусий сектор, хусусий инвестор, геосиёсий кескинлик, келишув шартномалари

Кириш.

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосидаги лойиҳасини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат ва хусусий секторнинг инфратузилма тармоқлари ташкил этиш, мавжудларини ривожлантириш ва ижтимоий аҳамиятли бўлган муҳим хизматларни амалга оширишда молиявий, технологик ҳамда бошқарув ресурсларининг ўзаро манфаатли бирлашуви юзага келади. Бундай кўринишдаги икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни давлат ва хусусий компаниялар кооперацияси, дейиш ўринли. Айни вақтда, давлат-хусусий шериклик ҳақида тузиладиган шартномаларда томонллар ўртасида лойиҳа бўйича рискларнинг бўлиниши аниқ кўрсатилади. Бу муҳим шартдир.

Бугунги кунга келиб, ДХШ соҳасида давлат ва муниципал бошқарувнинг ягона универсал модели ишлаб чиқилмаган. Бу жараён маълум бир тизим, ҳудуд ёки тармоқ иқтисодиётининг устувор вазифаларига мос равишда ўзига хос холда босқичма-босқич турлича шаклланмоқда дейиш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу тизимни яралиши учун давлат инфратузилмасини ривожлантириши сиёсати ва субъектнинг инвестиция сиёсати ўзаро уйғун бўлган ДХШ механизми шаклланиши талаб этилади.

Адабиётлар таҳлили.

ДХШ лойиҳалари ва уларни бошқариш муханизми борасида қатор халқаро молия ташкилотлари ва институтлари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD - Organisation for Economic Co- operation and Development) “ДХШ механизми – давлат сектори томонидан ҳуқумат ҳамда бир гуруҳ бўлган (бир ёки бир нечта хусусий сектор вакиллари) хусусий соҳа субъектлари – шерикларнинг манфаатлар бирлашуви эвазига тузилган яхлит икки ва кўп томонлама ўзаро келишуви ҳисобланади. Унга кўра, ўзаро келишув тузган шериклар хизматларни (моддий ва номоддий ресурслар) ўзаро келишувга асосан шундан таъминлайдики, ушбу механизмда кки томон, яъни бир томондан давлат ўзи томонидан кўрсатиладиган ва бажарадиган хизматларни вақтида ва сифатли тақдим этиши, ўз навбатида

иккичи томон – хусусий сектор, яъни инвесторларнинг моддий фойда олиш мотивлари таъминланган икик томоннинг мақсадлари ҳолда бирлашади. Бошқарув соҳасининг мураккаблиги эса ДХШ лойиҳалари рискларининг ўзаро тақсимланиши ва уларни бартараф этиш имкониятларининг мавжудлигида[1]"дир. Nашкилотининг фикрича, ДХШ бошқарув органлари булар ДХШ келишувларини яратиш, сақлаш ва баҳолаш жараёнида ҳукуматга ёрдам бериш устувор вазифаси этиб белгиланган ташкилотлар ҳисобланади. ДХШ лойиҳаларини бошқарув органининг функцияларига давлат-хусусий шериклик асосида чора тадбирларини белгилаш, инвестиция лойиҳалар устида ишлаш, бу борада норматив-ҳуқуқий хужжатлар тайёрлаш, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, белгиланган инвестиция лойиҳалар устида назорат ва мониторинг олиб бориш кабилар шулар жумласидандир[2].

К.А.Антонова "Давлат-хусусий шерикчилиги Россия ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омили сифатида" илмий асарида ДХШ лойиҳалари механизмини давлат ва хусусий сектор ўртасида давлат бошқаруви органлар (ташкилотлари, муассасалари ва х.к.) ва хусусий сектор вакиллари ўртасида амалга оришиладиган шартномаларнинг институционал ташкилий кўриниши – яхлит механизм" сифатида таърифлаган[3].

Е.А.Дынин томонидан илгари сурилган мулоҳазаларга кўра, "ДХШ лойиҳалари ва уни бошқаруви механизми жамиятда зарурий ижтимоий шарт-шароитларни ташкил этиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ўрта ва узоқ муддатга ҳамда айни вақтда икки томонлама манфаатли асосда бўладиган давлат ва хусусий сектор – жамият аъзоларини бирлаштирувчи тузилма. Ушбу тузилма орқали лойиҳаларни бошқариш эса давлат ва хусусий соҳа эгаларини ўзаро ҳамкорликда ва тийиб туриш тамойиллари орқали икки томонлама бошқарув тузилмасидир[4]" деган фикрларни билдирган.

Таҳлил ва натижалар.

Давлат-хусусий шерикликнинг учинчи кўриниши эса Жаҳон банкидир. Жаҳон банки давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги моделлари мавжуд:

1) Бошқарув шартномалари ва ижара шартномалари орқали орқали амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик модели. Моделнинг моҳияти шундан иборатки, бундай ҳолатда давлат ва хусусий шериклар иккита шартнома тузадилар:улардан бири бўйича бошқарув рисклари давлат ҳамкори зиммасида, иккинчиси бўйича лизинг таваккалчилиги хусусий шерик зиммасида қолади. Бундай ҳолатда давлат объектга эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади.

2) Концессия шартномалари орқали амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик модели. Ушбу моделнинг моҳияти шундан иборатки, бундай ҳолатда давлат ҳамкори хусусий шерикка объектдан маълум ҳақ эвазига фойдаланиш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолатда давлат объектга эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади.

3) Янги объектни қуриш лойиҳалари орқали амалга ошириладиган давлат-

[1] Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010

[2] Dmitrieva E.O., Guseva M.S. Centry razvitija gosudarstvenno-chastnogo partnerstva: analiz mezhdunarodnoj praktiki sozdanija i razvitija // Internet-zhurnal «NAUKOVEDENIE» Tom 8, №6 (2016) http://naukovedenie.ru/PDF/39EVN616.pdf

[3] Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010. С.120.

[4] Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.

хусусий шериклик модели. Бундай ҳолатда хусусий шерик объектни шартнома муддати давомида қуради ва шу билан бирга ишлатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Бундай ҳолатда объектга эгалик ҳуқуқи турли хил бўлиши мумкин.

4) Қисман хусусийлаштириш модели. Бундай ҳолатда хусусий шерик объектдаги акцияларни давлатдан сотиб олади ҳамда объектни ишлатиш ва бошқариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга чиқади. Бундай ҳолатда ҳам объектга эгалик ҳуқуқи турли хил бўлиши мумкин.

Хитойда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва самарали бошқаришнинг моделлари мавжуд:

1-жадвал

Хитойда ДХШ асосида лойиҳаларни амалга ошириш моделлари[5]

Лойиҳавий категория номи	Лойиҳани бошқариш	Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва самарали бошқаришнинг моделларининг қисқача тавсифи	Хусусий шерик олиши мумкин бўлган манфаатли жиҳатлар
Янги лойиҳалар	BOT[1] модели	Хусусий шерик қуйидагилар учун жавобгардир: - ўз маблағлари билан лойиҳа бўйича қурилиш учун; - хусусий шерик эксплуатация, техник хизмат кўрсатиш ва мижозларга хизмат кўрсатиш ишлари учун. Хусусий компания шартномада келишилган вақтда мулк ҳуқуқини давлатга қайтариб беради.	Ушбу манфаатларни хусусий шерик олади: - операцион даромад; - трансферлар.
	BOO[2] модели	Хусусий шерик қуйидагилар учун жавобгардир: - ўз маблағлари билан лойиҳа бўйича қурилиш учун; - хусусий шерик эксплуатация, техник хизмат кўрсатиш ва мижозларга хизмат кўрсатиш ишлари учун. Хусусий шерикнинг лойиҳани ҳукуматга ўтказишига ҳожат йўқ, жамоат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат операцияга баъзи чекловлар қўйиши мумкин.	Ушбу манфаатни хусусий шерик олади: - операцион даромад.
	BLT[3] модели	Хусусий шерик қуйидагилар учун жавобгардир: - ўз маблағлари билан лойиҳа бўйича қурилиш учун; - лойиҳа бўйича қурилиш тугилланган сўнг, хусусий шерик лизинг асосида бинони давлатга ижагара бериш. Хусусий компания шартномада келишилган вақтда мулк ҳуқуқини давлатга қайтариб беради.	
	BOOST[4] модели	Ушбу модел BOT моделига ўхшайди. Асосий фарқ шундаки, BOOST модели бўйича хусусий шерик лойиҳанинг юқори хавфлилиги сабабларига кўра ҳукуматдан субсидиялар ҳам олади.	Ушбу манфаатларни хусусий шерик олади: - операцион даромад; - ҳукумат субсидияси; - трансферлар.
Мавжуд лойиҳалар	[5] MC модели	Давлат томонидан ҳукумат лойиҳанинг эксплуатацияси, техник ва мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ишларни хусусий компанияга субпудрат қилади ҳамда субпудрат тўловларини амалга оширади.	Ушбу манфаатларни хусусий шерик олади: - субпудрат учун тўлов.
	[6] O&M модели	Давлат томонидан ҳукумат лойиҳанинг эксплуатацияси ҳамда таъмирлаш ишларини хусусий компанияга субпудрат шаклида топширади ва субпудрат тўловларини тўлайди.	Ушбу манфаатларни хусусий шерик олади: - субпудрат учун тўлов.

[5] https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2017/08/tax-impacts-of-ppp-in-china.pdf

	[7] TOT модели	Давлат томонидан ҳукумат ўзининг мавжуд лойиҳа нисбатан эгалик ҳуқуқини хусусий шерикка ўтказиб беради. Хусусий шерик лойиҳанинг эксплуатацияси,м техник ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун жавобгар бўлади. Хусусий шерик шартнома шартлари бўйича бўйича келишилган вақтда лойиҳа бўйича биноларга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳукуматга қайтаради	Ушбу манфаатларни хусусий шерик олади: - операцион даромад; - трансферлар.
Мавжуд лойиҳаларни кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар	[8] ROT модели	Хусусий шерик қуйидагилар учун жавобгардир: - давлат номидан шерик – хукумат мавжуд бўлган лойиҳага нисбатан эгалик ҳуқуқини хусусий шерикка ўтказиб бериш учун, ўз навбатида хусусий шерик эса лойиҳани ишга туширишдан олдин таъмирлаш ишлари учун; - хусусий шерик эксплуатация, техник хизмат кўрсатиш ва мижозларга хизмат кўрсатиш ишлари учун. Хусусий компания шартномада келишилган вақтда мулк ҳуқуқини давлатга қайтариб беради.	Ушбу манфаатларни хусусий шерик олади: - операцион даромад; - трансферлар.
	[9] LOT модели	Давлат номидан шерик – ҳукумат давлат активларини инвестициялаш учун жавобгардир ва уларга эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади. Ҳукумат мавжуд лойиҳаларни ва янги лойиҳаларни хусусий секторга ижарага беради ва хусусий шерик бинодан фойдаланиш, техник ва мижозларга хизмат кўрсатиш ишлари учун жавобгар ҳисобланади.	Ушбу манфаатларни хусусий шерик олади: - операцион даромад.

Изоҳ: [1] BOT - built-operate-tranfer; [2] BOO -Build-own- operate; [3] BLT - Build-lease- transfer); [4] BOOST - Build- own-operation- subsidies-transfer; [5] MC - Management contract; [6] O&M - Operations & maintenance; [7] TOT - Transfer- operate-transfer; [8] ROT - Renovate- operate-transfer; [9] LOT - Lease- operate-transfer.

Юқоридаги моделлар бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун тўловлар механизмларининг асосий 3 та туридан кенг фойдаланилади. Бу механизмдан лойиҳа учун асосий шерик – хусусий инвесторнинг даромад олиш усулларини англатади:



1-расм. Хитойда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун тўлов

механизми турлари[6]

Юқоридаги таҳиллар орқали айтиш мумкинки, ушбу давлатларда давлат-хусусий шериклик асосидаги лоийҳаларни амалга ошириш ва бошқаришда лойиҳаларнинг яхлит ҳаётийлик цикли мавжуд ҳисобланади. Ушбу жараён лойиҳага нисбатан йирик 6 та босқчини ўз ичига қамраб олади, дейиш мумкин:

1-босқич: ташкил этиш босқичи;
2***-босқич:*** молиялаштириш босқичи;
3***-босқич:*** лойиҳаларни “дизайнлари”ни ишлаб чиқиш босқичи;
4-босқич: мавжуд объектларни қуриш/топшириш босқичи”
5-босқич: бошқарув босқичи;
6-босқич: чиқиш босқичи.




2-расм. Давлат-хусусий шериклик асосидаги лоийҳаларни амалга ошириш ва бошқариш босқчилари[7]

Тадқиқот таҳлилларини давом этириш мақсадида, Европа ва Марказий Осиё синтақаси давлатларида давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш тенденциялари тадқиқ этилди. Унга кўра, 2022 йилда Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар давлат-хусусий

[6] Муаллиф ишланмаси. Манба: https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2017/08/tax-impacts-of-ppp-in-china.pdf
[7] Муаллиф ишланмаси.

шерикли лоийҳаларини амалга ошириш учун умумий қиймати 3,3 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни жалб қила олган. Бу кўрсаткич мазкур минтақа давлатларининг давлат-хусусий шерилки механизми бўйича инвестиция ҳажми ҳамда ундаги лойиҳалар сони бўйича сўнгги 10 йилдаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади.



3-расм. Европа ва Марказий Осиё синтақаси давлатларида давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш тенденциялари[8]

Яъни 2021 йилдаги ушбу кўрсаткич 14,4 млрд АҚШ долларини ёки беш йиллик ўртача (2017-2021 йиллар) 9,7 млрд АҚШ доллари даражасидан сезиларли пасайиш ҳисобланади. Жаҳон банкининг маълум қилишича, ушбу пасайиш тенденциясига сабаб, биринчи навбатда, минтақадаги геосиёсий кескинликнинг ортиб бораётганлиги билан боғликдир: Россия ва Украина сўнгги беш йил ичида биринчи марта ҳеч қандай давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилганлигини маълум қилмаган. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, “2022 йилда мазкур минтақада амалга оширилган давлат-хусусий шериклик лоийҳаларининг йирик қисми – 59 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига кўғри келган[9]”.

Хулоса. Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, давлат-хусусий шериклик лоийҳаларини амалга оширишда давлат хусусий сектор вакилларининг молиявий ресурсларини аҳоли турмуш фаровонлигини ва ижтимоий соҳа ривожлантиришнинг устувор соҳаларига жалб этади. Мазкур лоийҳаларни амалга ошириш ва бошқаришнинг аниқ механизмлари ва усуллари ҳар бир давлатнинг иқтисодий

[8] Муаллиф ишланмаси. Манба: https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2017/08/tax-impacts-of-ppp-in-china.pdf
[9] Муаллиф ишланмаси. Манба: https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2017/08/tax-impacts-of-ppp-in-china.pdf

ривожланиш шарт-шароитлари ва хусусий шерик билан келишув шартномаларини ишлаб чиқишига боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010
2. Dmitrieva E.O., Guseva M.S. Centry razvitija gosudarstvenno-chastnogo partnerstva: analiz mezhdunarodnoj praktiki sozdanija i razvitija // Internet-zhurnal «NAUKOVEDENIE» Tom 8, №6 (2016) http://naukovedenie.ru/PDF/39EVN616.pdf
3. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010. С.120.
4. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.
5. https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2017/08/tax-impacts-of-ppp-in-china.pdf
6. https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2017/08/tax-impacts-of-ppp-in-china.pdf